

ТОШКЕНТ ХАКИКАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЪ КОМИТЕТИ
ВА МЕХНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЪ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

18-ЙИЛ ЧИҚИШИ.

№ 70 (4276).

8

АПРЕЛЬ

ПАЙШАНБА

1971 ЙИЛ

Баҳоси 2 тийин.

ИНФОРМАЦИОН БИЛДИРИШ

7 апрелда Москвада, Кремлнинг Съездлар саройида Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг навбатдаги XXIV съезди ўз ишнини давом эттирди.

Съезд СССР халқ ҳўжалигини ривожлантиришнинг 1971—1975 йилги беш йиллик планига доир КПСС XXIV съездининг Директивалари тўғрисидаги докладни муҳокама қилмоқда.

Эрталабки мажлисда СССР Энергетика ва электрлаштириш министри П. С. НЕПОРОЖНИЙ, ВПСР Секретари В. И. ПРОХОРОВ, И. А. Лихачев номидаги Москва автомобиль заводи директори П. Д. БОРОДИН, РСФСР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари, РСФСР Госплани раиси К. М. ГЕРАСИМОВ ўртоқлар сўзга чиқдилар.

Делегатлар ва меҳмонлар томонидан қизғин кутиб олинган чет эл коммунистик, миллий демократик ва сўл социалистик партияларининг вакиллари: Чили социалистик партияси Марказий Комитети сийёсий комиссиясининг аъзоси ЭРНАН ДЕЛЬ КАНТО, Япония Коммунистик партияси Марказий Комитети президиуми доимий бюросининг аъзоси ТОМОИО НИСИДЗАВА, Гвинея ва Яшил Бурун ороллари мушакиллиги африкаликлар партиясининг бош секретари АМИЛКАР КАБРАЛ ўртоқлар съездин табриклар нутқ сўзладилар.

Шундан кейин СССР халқ ҳўжалигини ривожлантиришнинг 1971—1975 йилги беш йиллик планига доир КПСС XXIV съездининг Директивалари тўғрисидаги доклад юзасидан музокарада СССР Енгил саноат министри Н. Н. ТАРАСОВ, Москва областидagi «Коммунарка» давлат наслик заводининг директори А. Н. МОИХОВА, КПСС Якутия област комитетининг биринчи секретари Г. И. ЧИРЯЕВ ўртоқлар сўзга чиқдилар.

Делегатлар ва меҳмонлар томонидан қизғин кутиб олинган чет эл коммунистик партияларининг вакиллари: Бельгия Коммунистик партиясининг раиси МАРК ДРЮМО, Лианан Коммунистик партияси Марказий Комитетининг бош секретари НИКОЛА ШАУИ ўртоқлар съездин табрикларидилар.

Кечқурунги мажлисда СССР халқ ҳўжалигини ривожлантиришнинг 1971—1975 йилги беш йиллик планига юзасидан КПСС XXIV съезди Директивалари тўғрисидаги докладни муҳокама қилиш давом эттирилди. Доклад юзасидан бўлган музокарада СССР Маориф министри М. А. ПРОКОФЬЕВ, СССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари, СССР Госпланининг Раиси Н. К. БАЙБАКОВ, Қозоғистон ССР Министрлар Советининг Раиси Б. АШИМОВ ўртоқлар сўзга чиқдилар.

Делегатлар ва меҳмонлар томонидан қизғин кутиб олинган чет эл коммунистик ва миллий демократик партияларининг вакиллари: Австрия Коммунистик партиясининг раиси ФРАНЦ МҲРИ, Ироқ Коммунистик партияси Марказий Комитетининг биринчи секретари АЗИЗ МУҲАММАД, Боливия Коммунистик партияси Марказий Комитетининг биринчи секретари ХОРХЕ КОЛЛЕ, Исроил Коммунистик партияси Марказий Комитетининг бош секретари МЕИР ВИЛЬНЕР, Кипр меҳнаткаш халқ прогрессив партиясининг бош секретари ЭЗЕКИАС ПАПАЙОАННУ, Греция Коммунистик партияси Марказий Комитетининг биринчи секретари КОСТАС КОЛИЯННИС ўртоқлар съездин табриклар нутқ сўзладилар.

Съезд СССР халқ ҳўжалигини ривожлантиришнинг 1971—1975 йилги беш йиллик планига юзасидан КПСС XXIV съезди Директивалари лойиҳасига тақдир қилинган тузатишлар ва қўшимчаларини қараб чиқиш учун комиссия сайлади.

7 апрель куни Москва шаҳрининг партия ташкилотларида коммунистик, миллий демократик ва сўл социалистик партияларининг вакиллари: Цейлон Коммунистик партиясининг Раиси С. А. ВИКРЕМАСИНГХЕ, Швеция коммунистлари сўл партиясининг секретари ТУРЕ ФОРШБЕРГ, Люксембург Коммунистик партиясининг Раиси ДОМИНИК УРБАНИ, Филиппинда ишчилари ва майда деҳқонлари социал демократик иттифоқининг раиси УНО НОКЕЛАЙНЕН, Сальвадор Коммунистик партияси Марказий Комитети сийёсий комиссиясининг ва секретариатининг аъзоси РАМИРО ГАРСИА, Танганьика африкаликлар миллий иттифоқи Марказий Комитетининг ва миллий иқроия комитетининг аъзоси ДАУДИ МВАКАВАТО, Иордания Коммунистик партияси Марказий Комитетининг биринчи секретари ФУАД НАССАР, Янги Зеландия социалистик бирлик партиясининг миллий секретари ЖОРЖ ЖЕКСОН, Австралия Коммунистик партиясининг миллий секретари ЛОРИ ААРОНЗ, Никарагуа социалистик партияси Марказий Комитети сийёсий комиссиясининг ва иқроия секретариатининг аъзоси ФАВНО РИВЕРА, Гондурас Коммунистик партияси Марказий Комитетининг биринчи секретари МАРИО МОРАЛЕС, Сан-Марино Коммунистик партияси бош секретариининг ўринбосари ва сийёсий бюросининг аъзоси УМБЕРТО БАРУЛЛИ, Парагвай Коммунистик партияси делегациясининг бошлиғи, Мексика Коммунистик партияси Марказий Комитетининг биринчи секретари АРНОЛЬДО МАТИНЕС ВЕРДУГО, Туркия Коммунистик партияси Марказий Комитетининг биринчи секретари ЯКУБ ДЕМИР ўртоқлар нутқ сўзлаб, КПСС XXIV съездин табрикларидилар.

Мамлакатнинг ҳамма жойларидан съезд номига минг-минглаб хат ва телеграммалар келиб турибди. Завод ва фабрикаларнинг, қурилишлар, колхозлар ва совхозларнинг коллективлари, Совет Армияси ва Флотининг жангчилари, илмий муассасалар ва иқидий ташкилотларнинг ходимлари, комсомоллар ва ёшлар КПСС XXIV съездида қизғин таъриб ва қўтловлар йўлламоқдалар, меҳнатдаги муваффақиятлар ва зафарлар тўғрисида рапорт бермоқдалар.

ПАРТИЯ НОМИНИ ДИЛГА ЖО ҚИЛИБ

Катта ва шонли воқеалар бўй берган кунларда Ленин музейи залларини келиб кўриш тошкентликларнинг анъанаси бўлиб қолди. Кремлда КПСС XXIV съезди ўз ишнини давом эттираётган ҳозирги кунларда ҳам шаҳарнинг неча минглаб меҳнаткашлари музей залларига келишди. Улар бу ерда халқ бахт-саодати учун, секинли ватанимизни яшатиш учун қилаётган ҳамма ишлари тўғрисида Ленин партиясига самимий миннатдорчилик билдирдилар.

Пойтахтдаги Ленин райони меҳнаткашларининг вакиллари 7 апрелда В. И. Ленин Марказий музейининг Тошкент филиалига кел

дилар. Меҳнат ветеранлари уларга бош бўлдилар. Булардан кўпининг қўсиди қаҳрамонларнинг олтин колдузлари, орден ва медаллар яқинлаб турибди.

Районнинг дондор кишилари тантанали вазиятда музейга абадий сақлаш учун китоб топширдилар. Бу китобда КПСС XXIV съезди шарафига эришилган муваффақиятлар тўғрисида ҳикоя қилинади. Ана шу эсдалик китобига ёзилган ҳўқуқини олиш учун бошланган мусобақа бир неча ой давом этди. «Ўзидан тонг» тикувчи фабрикаси, Телловоз-вагон ремонт заводи, Ўзбекистон Компартияси, Марказий Комитетининг

нашриёти, электрон техника заводи ва бошқа илгор корхоналарнинг коллективлари ана шу ҳўқуққа эга бўлдилар. Юсак социалистик мажбуриятларини муддатидан илгари бажарган коллективлар ўзларининг рапортларини ҳам доимий сақлаш учун топширдилар.

Ленин музейи залларидан биринчи кўриш ўтказилди. Нотиқлар районининг барча меҳнаткашлари партиянинг ленинча йўлини яқинли билан қўллаб-қувватлаётганликлари ҳақида, партиянинг иш ва планлари улуғворлиги тўғрисида, бу иш ва планлар ўртоқлар

Комитети номидан қилган ҳисобот докладда, ўртоқ А. Н. Косигиннинг СССР халқ ҳўжалигини ривожлантиришнинг беш йиллик планига юзасидан Директивалар тўғрисида қилган докладда ҳамда съездининг бошқа материалларида ўзининг ёрқин ифодасини топанлиги ҳақида зўр иштиёқ билан гапирдилар. Митинг қатнашчилари жонажон партияни ишонтириб, райондаги корхоналар, қурилиш ва муассасаларнинг коллективлари КПСС XXIV съезди томонидан мамлакат олдига қўйилган янги масъулиятли вазифаларни муваффақиятли сурада амалга ошириш учун ҳамма ишларни қиладилар, дейишди.

(ЎзТАГ).

ПАРТИЯ ПЛАНЛАРИ—ХАЛҚ ПЛАНЛАРИ

ИСТИҚБОЛ ЙЎЛИ

Кўни кеча СССР Министрлар Совети Раиси ўртоқ А. Н. Косигиннинг «СССР халқ ҳўжалигини ривожлантиришнинг 1971—1975 йилларга мўлжалланган беш йиллик планига юзасидан КПСС XXIV съезди Директивалари» тўғрисидаги докладни таълиқларга эълон қилишди. Халқ ҳўжалигини бундан бўён янада юксалтириш истиқбол йўлини белгилаб берган бу ҳужжат барча совет кишиларини янгида янги меҳнат зафарларига руҳлантириб юборди. Калинин районидаги битмас-туганмас гап-хўрликлар деҳқонларнинг кучларига-ку, гайратларига-гайрат қўймоқда. Даладарда ҳар қачондан ҳам баракали меҳнат қилиш, маҳсулот ештиштириш ҳар қачондан ҳам кўпайтириш кўндаланга-янги ютуқларини кўлга келтириш учун курашга отлангирмоқда.

Биз колхознинг коммунист ўртоқ Ҳаким Самадов бошлиқ бригадасида бўлдим. Мўл-қўл сабабот маҳсулотлари ештиштириш мақсадида астойдил меҳнат қилаётган деҳқонлар саҳовати ҳақида олимлар фан-техниканинг янги босқичлари ҳақида, архитекаторлар шаҳарларнинг келажак ҳақида, ҳўлас ҳамма ўнган тегишли муаммо ҳақида гапирарди.

Чиндан ҳам Марказий Комитетнинг ҳисобот докладиди улуғвор тарихий ҳўжжат бўлиш билан бирга, шундай муфассал ва конкрет программаларни, унда ҳаммаининг маънавиятига, ҳаётига, тақдирига тааллуқли масалалар ўзининг ёрқин ифодасини топан эди.

Шунда мен чеккароқда турган қўшимчи Абдусамал акага яқинлашдим. Қани, шу кечка, содда киши нима дер экан?

— Ха, бобой, докладни эшитдингиз, — дедим папирос

30 мартда ўртоқ Л. И. Брежневнинг докладини тинглаб бўлгандан кейин ҳўлига чиқсам, йигирматача одам гурунлашиб турган экан. Гап ҳозиргина тингланган доклад тўғрисида эди.

Бизнинг ҳўлида ҳар хил касбадаги одамлар туради. Электриклар киловатт-соатлар ҳақида, олимлар фан-техниканинг янги босқичлари ҳақида, архитекаторлар шаҳарларнинг келажак ҳақида, ҳўлас ҳамма ўнган тегишли муаммо ҳақида гапирарди.

Чиндан ҳам Марказий Комитетнинг ҳисобот докладиди улуғвор тарихий ҳўжжат бўлиш билан бирга, шундай муфассал ва конкрет программаларни, унда ҳаммаининг маънавиятига, ҳаётига, тақдирига тааллуқли масалалар ўзининг ёрқин ифодасини топан эди.

Шунда мен чеккароқда турган қўшимчи Абдусамал акага яқинлашдим. Қани, шу кечка, содда киши нима дер экан?

— Ха, бобой, докладни эшитдингиз, — дедим папирос

КЕЛАЖАК ЧОРЛАМОҚДА

тақдир қилиб, — зўр гаплар айтилган-а...

Содда одам, анча ўйлаб қолади, жавоб беришга қийналади десам, йўқ, шартта жавоб қилиди:

— Биз, ука ўртача маош оладиганларданмиз. Докладнинг шу жойига қойил бўлдимки, яқин орада бизга ўхшаганларнинг ойлиги ҳам ошар экан.

— Сиз ҳам ўзингизга тегишли жойини топибсиз-да, — дедим қўлиб.

Очиги, бошда уни фақат ўзи ҳақида ўйлайдиган чол экан деб, хато баҳо берибман. Гап-хўлиб ўтириб, бу ўйимдан пуршаймон бўлдим.

— Юрт каттада, ука, юрт катта! Биласизми, ойлигининг жиндак ошини давлатга қанчага тушади!

Абдусамал ака давлат миқёсида ўйлайдиган чол чиқиб

республикамизнинг ўзида 70 та янги йирик корхона ишга тушиб, ҳозир уларнинг маҳсулоти 90 мамлакатга таралаятган экан.

Ўртоқ Л. И. Брежнев ҳам Европада қараб кетган гигант нефть ва газ магистраларининг ҳақида гапирди. Ўйлаб қарасангиз бу гоёт буюк ҳодиса. Биз Европадаги дўст мамлакатларга электр қуввати экспорт қилаётган эканмиз, бу — электр қувватига эмас, бу — қалб қуввати ҳамдир. Дўстларимиз бундан маънавий қувват ҳам оладилар. Ватанимиз коммунистларнинг анжуманига 90 мамлакатдан коммунистлар келиб ўтиргани ҳам бежиз эмас, ахир!

Ўртоқ Ш. Рашидов ўтган беш йилнинг Дўстлик китобиининг янги боби деб атади. Бу акюйиб, ҳаққоний образлар. Эндиликда ҳаётимизнинг янада порлоқ янги боби очилмоқда, у ҳам жўшқин меҳнат ва кўраш манзараларига, оташин хис ва ёрқин ўнларга тўла.

Бизни илҳомбахш келажак чорламоқда!

Асқад МУХТОР.

ҒАЛАБА РАПОРТЛАРИ

ЯНГИЎЛ. Шаҳардаги йирик корхоналардан бири ҳисобланган пойфазал фабрикаси ишчи-хизматчиларининг қувончи чексиз. Улар Москвада Кремль Съездин саройида давом этган КПСС XXIV съездида биринчи квартал планига ҳамда съезд шарафига олинган социалистик мажбуриятлар шараф билан бажарилгани ҳақида ғалаба рапорт йўлладилар.

Тошкент пахта тайёрлаш трест корхоналари КПСС XXIV съезди шарафига социалистик мусобақани авж олдириш тўғрисида товар маҳсулотини реализация қилиш биринчи квартал планини яқинда ортин билан бажардилар.

ОБЛАСТ РАЙОНЛАРИДА ЧИГИТ ЭКИШНИНГ БОРИШИ ТЎҒРИСИДА 7 АПРЕЛГАЧА БЎЛГАН МАЪЛУМОТ

(Планга нисбатан процент ҳисобида)

Биринчи стун — районлар, иккинчи стун — бир қуналиқ ўсми, учинчи стун — мавсум бошдан бери

Оқдўғон	3,5	101,1
Юқори Чирчиқ	—	64,8
Пискент	—	62,7
Ўрта Чирчиқ	—	61,3
Янгиўл	5,7	56,6
Бенобод	3,0	53,9
Бўна	1,0	44,4
Оржоникидзе	5,3	10,7
Област бўйича	2,3	65,1

ОБЛАСТ РАЙОНЛАРИДА МАҚАЖҲЎХОРИ ЭКИШНИНГ БОРИШИ ТЎҒРИСИДА 7 АПРЕЛГАЧА БЎЛГАН МАЪЛУМОТ

(Планга нисбатан процент ҳисобида)

Биринчи стун — районлар, иккинчи стун — бир қуналиқ ўсми, учинчи стун — мавсум бошдан бери

Оқдўғон	—	87,7
Бенобод	—	80,1
Юқори Чирчиқ	1,4	65,4
Пискент	—	64,7
Ўрта Чирчиқ	3,6	61,6
Янгиўл	0,4	61,0
Калинин	—	50,8
Бўна	0,9	47,6
Оржоникидзе	6,8	45,3
Бўстонлиқ	—	20,8
Област бўйича	1,2	63,4

ЧОРВАЧИЛИК МАҲСУЛОТЛАРИ КЎПАЙМОҚДА

Қишлоқ ҳўжалигининг муҳим тармоғи бўлган чорвачилик янада юксалтириш ҳўзир кунда асосий вазифа бўлмоқда. Партиянинг XXIV съездида Марказий Комитетнинг бош секретари Л. И. Брежнев қилган докладда ҳам бу масалага алоҳида тўхталиб ўтилди.

Ҳақиқатан ҳам чорва маҳсулотларини янада кўпайтириш учун юқоридаги масалаларга эътибор бериш зарур. Съезд материалларини кўп билан ўрганиб бораётган чорвадорларимиз янги меҳнат марраларини қўзғашаяпти. Съезд кунларида ферма ишларини янада кучайтириб қувончли натижаларга эришадимиз.

Ҳозиргача паррандабоқарла-

римиз давлатга 15 минг ўрнича 17 тонна донга туҳум топшириб, йиллик планни биринчи кварталдаёқ адо эттишди.

Колхоз чорвадорлари тушт, сут топширишда ҳам яқин натижаларга эришмаяпти. Бўрдоқбоқарлар шу кунгача 13 тонна сифатли тушт топшириб, квартал планини анча ошириб бажардилар. Сут соғувчилар ҳам гайрат билан меҳнат қилишмаяпти. Улар биринчи кварталда 110 тонна ўрнича 120 тонна сержаймоқ сут етказиб беришди.

М. ЮНУСОВА,

Калинин районидаги Охунбобоев номида колхознинг комплекс чорвачилик фермаси мудири.



олга. боришимизга, шунингдек четдан бўлаётган агрессияга дади.

Сизларнинг сۆзидигиз, деди ни-
тин, хушчۇ мустанлакчилик эк-
н.

дугауатсиясининг асорати ости-
ётган ёки империализмнинг жи-
воатқорона кирдиқорларига қат-
ти қураш йўлига тушиб олган
барча халқлар учун ҳам муҳим
лоқаидир. Шу сабабли, биз ўз
ғизига берилган имкониятдан фой-
даланиб, Африка, Осиё ва Латин
Америкасидаги маълум халқлар-
озод қилиш учун қураш ишини
жула қатъи ҳисса қўшаётган Со-
вет Иттифоди Коммунистик па-
тиясига зўр миқиятдорчилик и-
ҳор қиламиз.

Империализм, деди сўнгра Ла-

Сага Диане, халқлар кураши т
файли озод бўлиб қолган мамла
катлар устидан яна ҳукмрон бўли
олишга ниятлб, ҳужум қилиш
ўтди. 1970 йил 23 ноябрда Порту
галия империализми Гвинеяни
хоинона ҳужум қилди. Гвинея
халқи ёлланган қотилларга қар
рамонона қаршилик кўрсатди.
Душманлар босиб кирган жойла
нинг ҳаммасида қуршаб олини
қириб ташлади ёни асир олинди.
Бу ғалаба ўз озодлигини қимм
қилишга маҳкам бел боғла
ба уюшган халқ енгилмаслигини
яққол кўрсатди.

Нотўғ ўз мамлакатининг муст
қиллигини таъминлашга модда
ба маънавий катта ёрдам бер
турган Совет Иттифоқиға

ашаакур Изхор қилди.

Уроққожи И. Бренненинг ил-ламаж истиқболларини яққоқкурсаёт берган, социализмни дегер бирлигини таъминлашқу дунёда тичлиқ ўрнатилга қарилдиган конструктивизм ва ихоботтафилларини баён қилди ўтгадокладини тингалаганимизда қилни, деди Уроққожи Лансана Диане ўнтурнинг охирида, бизнинг эртаққуни бери берилганимиз тағам ҳам турупқожи мустаҳкамланди.

Уроққожи Лансана Диане ўнтурнинг охирида, яшасни Сўлет Иттифок Коммунист партияси, яшисин СССР ва Гвинея республиқини халқларди ўртасидаги дўстлиқдеб хитоб қилди.

Шу билан съездининг нечамаялини тугади.

Ижра Мармо бошчилигидаги Франция Коммунист партияси делегацияси, Сомали олий революцион кенгашининг аъзоси Муҳаммад Юсеф Алми бошчилигидаги Сомали олий революцион кенгаши делегацияси, Чили делегациясининг аъзоси — Чили коммунист Марказий Комитетининг аъзоси Марта Угарте, Реюньон коммунист партияси бош секретари Поль Виланс 5 апрелда Москвадаги «Партия ва коммуна» жафоада фабрикаси ишчилари хузурига меҳмон бўлиб келдилар.

Серго Оржоникиде номли Москва станоксозлик заводи коллективи 5 апрелда Куба коммунистларнинг намоёндалари — Куба Коммунист партияси Марказий Комитети сийси ёқорси на секретариатининг аъзоси Куба Республикаси Президенти Освальдо

Дортинко, Горрадоли, Куба Компартияси Марказий Комитети Сийси бюросининг аъзоси Рамиро Вальдес Менендесни ва Куба Компартияси Марказий Комитетининг аъзоси, Куба Республикасининг Совет Иттифқидаги аъзиси Рауль Гарсия Пеласени кутиб олди.

(ТАСС).

Шу билан съезднинг эрталаби
мажлиси тугали (ТАСС).

АССАЛОМ, ФУТБОЛ

„ПАХТАКОР“ ҲУЗУРИДА

Никоят, пойтахтимизга катта футбол кириб келди. Бугун Марказий «Пахтакор» стадионининг байроғи кўтарилди. Ҳаёт футболнинг қарвон боши — пахтакорчилар ун биринчи бор кучлилар даврасида мавсумини бошлайдилар.

«Динамо» билан бўладиган ўйин арасида йилларимизнинг Чингизидеги баҳасида бўлди. Спортчилар мавсумга тайёргарликнинг сўнгги кунларида ҳам жисмоний ва тактик машғулотлари қиёмига етказилган эдилар. Футболчилар ўзлари Александр Андреевич Келлер йилларини янги майдонга олиб чиққан. Улар аввалги югуришни машқ қилишди. Майдоннинг бир томонида — старт нуқтасида тренер Геннадий Красницкий, финиш нуқтасида Александр Келлер. Футболчилар навбати билан тўсиқлардан ошиб югуриб кетганимизда, Уетоз секундомерга қарайди: 10,4, 10,1, 9,8, 9,6...

Булар йилнинг кўрсаткичи патижа.

Мана Эркин Абдураимов стартда турибди. Диккат билан кузатамиз. Команда капитани шерикларига ўрнак бўлди. У тўсиқлардан ошиб 9,2 секундда маррага етиб келди. Чакки эмас! Ветеран ҳамон тезкорликда кўпларни орқадан қолдиришда қўлларини қўймади. Роса тўққиз секунд ичида майдонини ў бошидан бу бошига югуриб ўтди.

— Футболчиларнинг жисмоний тайёргарлиги умуман бизни қаноатлантирмади, — дейди Келлер. — Асосий вазифа янги тактик приёмларни ўзлаштириш бориш команданинг имкониятини ҳисобга олган ҳолда ҳар бир ўйинга хос тактикани белгилашдан иборат.

Тренердан коллективдаги ўзгаришлар, янгиликлар ҳақида сўраймиз.



— Ўзгаришлар унчалик кўп эмас. Ўтган йилги состав бу йил ҳам бутун огирлигини ўз зиммасига олади. Дарвозабон

Любарцевга армиядан қайтган П. Колесник ёрдамлашини мумкин. Ҳимоя чизигига Р. Муминов, А. Сулов келиб қўшилдилар. Ярим ҳимоячилар составида ўзгариш йўқ. Ҳозирча кўбик ўйинида шикастланган Иноятов ва Солохо жароҳатларини даволамоқдалар. Ҳужумда кучлар унчалик кўп эмас. Рақиблар ҳимоясини ҳаммавақт таҳликага солиб туриш учун Абдураимов, Исоқов, Леонидов билан ёнма-ён ўйнайдиган истеъдодли футболчилар кўпайса қўйилмайдиган

Дарҳақиқат команданинг ҳужум чизиги ҳозирча ишқибозларини ҳам, тренерларини ҳам қаноатлантирмайди. Лобода, Иванков, Дрозденко ҳали кескин «жанг»ларда қатнашиб «пишиб» етилганларча йўқ. Шунга қарамай, улардан умид қилди.

так» билан бўлган иккинчи кўбик ўйини бизда шундай де-йишга асос борлигини кўрсатди. Футболчилар уларнинг кўзга олсалар ҳар қандай кучли команда билан баравар «олиш»лари мумкин. Ўзгаришнинг биринчи бўлимида буни сиратанчилар ҳам ҳис этдилар.

Ҳақиқатда, ўзбек футболчилари учун бу мавсум ҳам осон бўлмади. Ўтган йилларда тур-нир задаларида «Пахтакор» билан би қўшни бўлиб келган «Зенит», «Шахтёр», «Қайрат» футболчиларининг маҳорати бу йил анча ўсганлигини гувоҳи бўлиб турибмиз.

Бутун ўзбек пахтакорлари номидан қатнашаётган семинли команданинг янги мавсумдаги нақазини шундай: «Пахтакор» ўз муҳлисларига кўпроқ қувончли онлар ҳада этсин.

С. МУСАЕВ.

АПРЕЛЬ ҲИЙНЛАРИ КАЛЕНДАРИ

8. «Динамо» (Тб) — «Торпедо» (М), «Заря» — «Спартак» (М), «СКА» (Р) — ЦСКА, «Шахтёр» (Д) — «Динамо» (Мн), «Нефтичи» — «Динамо» (К), «Арабат» — «Кариати», «Пахтакор» — «Динамо» (М), «Қайрат» — «Зенит».

12. «Динамо» (Тб) — ЦСКА, «Заря» — «Динамо» (Мн), «СКА» (Р) — «Торпедо» (М), «Шахтёр» (Д) — «Спартак» (М), «Нефтичи» — «Кариати», «Арабат» — «Динамо» (К), «Пахтакор» — «Зенит», «Қайрат» — «Динамо» (М).

17. ЦСКА — «Арабат».

18. «Спартак» (М) — «Динамо» (Тб), «Зенит» — «Заря».

19. «Торпедо» (М) — «Нефтичи».

20. «Динамо» (К) — «Пахтакор», «Динамо» (Мн) — ЦСКА (Р), «Кариати» — «Қайрат».

21. «Динамо» (М) — «Шахтёр» (Д).

23. ЦСКА — «Нефтичи».

24. «Спартак» — ЦСКА (Р), «Динамо» (К) — «Қайрат», «Динамо» (Мн) — «Динамо» (Тб), «Кариати» — «Пахтакор».

25. «Динамо» (М) — «Заря», «Зенит» — «Шахтёр» (Д), «Торпедо» (М) — «Арабат».

КИТОБ МАГАЗИНЛАРИ ХИЗМАТИНГИЗДА

Ўтган йили мамлакатимизда 1,3 миллиард нуска китоб нашр қилинди. КПСС XXIV съезди Директивлари лойиҳасида китоб нашр этиш, унинг тематикаси ва безагини янада яхшилаш ҳақида ҳам сўз юритилди. Бўлимизда хизматлари Директивлар лойиҳасида, китоб билан алоқадор барча гаиллари диққат билан ўқиб чиқиб, муҳомада қилинлар.

Ҳозирги маданий турмушимизни китобсиз тасаввур этиб бўлмайди. Бунинг ёрқин ифодаси: Тошкент шаҳрининг ўзида 27 та китоб магазини, 60 дан ортқ китоб дўкончалари харидорларга хизмат қилмоқда.

Шу кунларда мамлакатимизнинг барча қорхона ва муассасаларидаги китоб билини таъиниладиган китоблар ҳам КПСС XXIV съездида руҳланиб янги муваффақиятларга эришиш учун ҳаракат қилишляпти. Ангрел, Чирчиқ, Олмалик шаҳарлари марказларидаги

китоб магазинларида, пойтахтнинг Пушкин кўчасидаги 1, вокзал олдидаги 4, Гагарин кўчасидаги 16, Високоньт массивидаги 11-магазинлар ҳамда Навоий кўчасидаги китоб растасининг сийси адабиёт бўлимидаги ҳозирги кунда харидорлар билан тавжум.

Минглаб китоб муҳлислари В. И. Ленин танланган асарлари 55 томлигидаги обуна бўлишмоқда. Доҳий китобларининг янги нашри ўзбек тилида ҳам чинарилади. План бўйича бу йил танланган асарларнинг 1- томи ўқувчиларга етказилади.

Шаҳримиздаги барча китоб магазинларида таъиниладиган, ўқув юрларидан, ҳамма китоб муҳлисларидан 1971 йилда чиқадиган китоблар учун буюртмалар қабул қилинади.

Э. РИЗАЕВ,
Тошкент олабш китоб савдо-си бўлими мудири.

ЧИРЧИҚ ЯНГИЛИКЛАРИ

Янгида театр муҳлислари металлурлар маданият саро-йида А. Афиногеновнинг «Ма-шенка» номли спектаклини то-моша қилдилар. Спектакл иж-рочилари — иссиққа чидамли ва қийин эрийдиган металл-лар комбинатининг драма тўғари-ни коллективидир. Ишчи-арти-стлардан М. Белов профессор Акамаев роляни, Л. Воронина, В. Кудряцев, Е. Емельянова, А. Побединскийлар роляларини

маҳорат билан ижро этдилар.

Шаҳарининг Фуркат номли марказий кўчасида очилган хайвонот магазини табиат ошмакларига хизмат қила бош-лади.

Бу ердан томошабон балиқ-лар ҳамда уларни сақлаш учун бежирим аквариумлар, қушча-ларга эса ихчам, чиройли қа-фасларини ҳам сотиб олиш мумкин.

ТЕННИС

Самарқандда теннис бўйича Ўзбекистон шахсий команда би-ринчилиги учун бўлиб ўтган ў-симирлар мусобақасида 48 спорт-чи қатнашди. Умумиқоманда ҳи-собида ЎзССР Маориф ми-нис-трлигининг терма командаси го-либ чиқди. Шунингдек, шахсий би-ринчилиги голиблари ичнда тошкентлик М. Маркович ва В. Буштерлар бор.

ШТАНГА

Оғир атлетика бўйича Чир-чиқ биринчилиги учун ўтказил-ган мусобақа кўни кеча аял-лади. Мусобақада тўртта физ-культура коллективидан 39 штангачи қатнашди.

Командалар бўйича биринчи ўринни Тошкент танк билим юрти, иккинчи ўринни «Чим-ён» спорт клуби ҳамда учин-чи ўринни «Ўзбекхизмаш» за-водининг оғир атлетикачилари олдилар.

Шахсий биринчиликда эса Н. Пак («Ўзбекхизмаш»), Т. Хусанов («Чимён»), Б. Ли («Чимён»), Т. Спеси-лов, М. Казалой (танк билим юрти), В. Жвакин («Чимён»), В. Тарасов (танк билим юрти)-лар чемпион бўлишди.

Редактор
А. ИСМОИЛОВ.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриятининг босмахонаси Тошкент шаҳри.

№ А — 1726. ИНДЕКС — 64697. Р. 03273.

Реклама
ва Ҳоллар

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

12.55 даи — Москва кўрсатади,
ИККИНЧИ ПРОГРАММА
ТОШКЕНТ КЎРСАТАДИ

18.55 — Кўрсатувлар програм-масы, 19.00 — Футбол, «ПАХТА-КОР» — «ДИНАМО» (Москва). Та-наффус вақтида «Ахборот» ин-формацион программаси (рус ти-лида).

Ўзбек тилида: 20.45 — «Ахбо-рот» информацион программаси, 21.00 — «Пропандист» програм-масы (рус тилида), 21.30 — Ўзе-бекистон телевидениеси ва радио-си мазмунларининг ишлов, ҳужа-лик ҳодимларига бағишланган кон-церти, 22.20 — КПСС XXIV съезди шарафига Наманган сано-ат қорхоналарида, 22.40 — «Ена-етган арава йўли» (бадий фильм).

УЧИНЧИ ПРОГРАММА

18.00 ДУСТИК ЭКРАНИ,
ФРУНЗЕ КЎРСАТАДИ
ТОШКЕНТ КЎРСАТАДИ

Ўзбек тилида: 20.00 — «Фронт орасида» (телефильм),
Рус тилида: 20.55 — Врач мас-лахати, 21.05 — «Ватанимизни шарафламиз» (музикали компо-зиция), 21.40 — Реклама, 21.50 — «Волга мавилари» (ҳужжатий фильм).

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВ-ЛАТ АКАДЕМИИ КАТТА ТЕАТРИ-ДА — 8/IV да Богосарой фон-тани, 10/IV да Севги тумори.

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИИ ДРАМА-ТЕАТРИДА — 9/IV да Машаққати йўли, 10/IV да Мирзо Улуғбек.

МУҚИМНИ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВ-ЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 8/IV да Кумуш тўй, 9/IV да Бахт тўйи, 10/IV да Хотинининг эри, СВЕРДЛОВ НОМЛИ КОНЦЕРТ ЗА-ЛИДА — 12/IV да 5 абонемент бўйича концерт-лекция. (Кеч соат 8 да бошланади).

МАРКАЗИЙ «ЮБИЛЕЙ» СПОРТ ЗАЛИДА — Москва Давлат муз устида балет ансамблининг гас-роллари, «МУЗ ВА ФАНТАЗИЯ» (кеч соат 7 яримда бошланади).

КИНО

Қалбим соҳиби — «ЎЗБЕК-И-СТОН», «ЎЗБЕК-ИСТОН 25 ИЛЛИ-НИИ», «ВОСТОК», «НАЙА», «СПУ-НИИ», (кундуз ва кеч курули).

Сехрланган чакмон — «МОСК-ВА», «КОМСОМОЛ 30 ИЛЛИНИ» (кеч соатларда), «ТОШКЕНТ СО-ВЕТНИНГ 50 ИЛЛИНИ» (кундуз ва кеч курули).

АТАМАННИНГ ТУГАТИЛИШИ (2-се-рия) — САНАТ САРОНИ (эрта-лаб соат 11.30, кундуз 2, 4.30, кеч 7 ва 9.15 минутда).

Бўйинган тўй — «КУКЧА» (кун-дуз ва кеч курули).

Ишнинг севги! (2 серия) — НАВОИЙ НОМЛИ (кундуз ва кеч курули).

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА

РСФСР ва Догистон АССР халқ артисти — ЯРАҒИ ҒАЖИ-ҚУРБОНОВ РАҲБАРЛИГИДАГИ «ЦОВРИ» ДОГИСТОН ДОРВОЗЛАРИ

ВА ВЛАДИМИР ТИН РАҲБАРЛИГИДАГИ УРГАТИЛГАН АНИҚЛАР АТТРАКЦИОНИ ИШТИРОКИДА КИРГИЗИСТОН ЦИРК АРТИСТЛАРИНИНГ

ХАЙРЛАШУВ ГАСТРОЛЛАРИ

Томошалар неч соат 7 яримда бошланади.

Шанба кунлари кундуз со-ат 3 ва кеч 6 да: яншаба кунлари: кундуз соат 12, 3 ва кеч 6 да бош-ланади.

Коллектив бўлиб кўриш учун эъланлар қабул қилина-ди.

Билетлар сотилмоқда.

«ТАШЗАГОТЛОДОВОШ»

ТОРГ»ГА

(Черешнева кўчаси, 55-уй, телефон 55-16-18) домий ва вақтинча ишлаш учун ҳар хил мақолаи хисо-бот ишчилари ва чакана савдо бўлимида ишлаш учун маши-на-ҳисобот бюроси бошлиғи

КЕРАК

Тошкент шаҳар, Пролетар кўчаси, 4-уй, аҳолини ишга мойлаштириш ва информация қилиш бюроси ҳамда байон ишлари комитетлари ҳузури-даги инспекторларга уйрашил-син.

дунё овози

чет эл хабарлари

ТИНЧЛИК, ТАРАҚҚИЁТ ПРОГРАММАСИ

БОЛГАРИЯ

КПСС Марказий Комитети ҳисобот доклади муҳомадасининг охирида Л. И. Брежнев ақу-ловчи нутқ сўзлади, деб ёзади «Работническо доло» газетаси, шу доклады муҳомада қилиш давомида КПСС XXIV съезди партиянинг не-ки съезд ўрнатишда давр ичндаги фаолияти натижаларини чуқур таҳлил қилди. КПСС съезди, деб таъкидлайди газета, жаҳон майдо-нида шундайли синфий кураш қилиб кетган ҳозирги босқичда коммунистлар партияларининг мафкуравий иши бениҳоя муҳим аҳамият касб этиши тўғрисидаги принципиал қондининг тў-ричилигини аққол тасдиқлади.

КПССнинг бу ҳисоботи муваффақиятлари жуда каттадир.

ПОЛЬША

Польшанинг ҳамма матбуот органлари ўр-тқ Л. И. Брежневнинг ақуловчи нутқини катта-катта саралашлар остида босиб чиқар-моқда ва съезд КПСС Марказий Комитети-нинг сийси йўли билан амалий фаолиятини бир оловдан маъқуллаганлигини таъкидлаб ёзмоқда.

«Трибуна люду» газетаси КПСС Марказий Комитети ҳисобот докладынинг муҳомадаси юксаклиги — Совет Иттифоқи коммунистлар-нинг голт активлигидан далолат беради, деб уқтиради.

Польша радио ва телевидениеси ўзининг сўнгги ахборотларида СССР Министрлар Со-ветининг Раиси А. Н. Косигинининг КПСС XXIV съездида қилган доклады ҳақидаги ха-барларга кенг ўрин бермоқда. КПСС XXIV съездининг СССР халқ ҳўжалигини ривожлан-тириш бўйича 1971—1975 йилларга мўлжал-ланган тўққизинчи беш йиллик план Директи-

валари, деб таъкидлайди матбуот шарҳчилари, Совет Иттифоқи ўтган беш йилликда улкан иқтисодий марраларга эришганлигини ва тўқ-қизинчи беш йилликда совет эконоимикаси яна-да салмоқли муваффақиятларга эришганлигини аққол кўрсатади.

ГЕРМАНИЯ ДЕМОКРАТИК РЕСПУБЛИКАСИ

«Нойес дойчланд» ва «Берлинер цайтунг» га-зеталари «КПСС Марказий Комитетининг ҳи-собот доклады иккинчи билим маъқуллади», «Съезддаги муҳит В. И. Ленин голларига мос бўлиб, тўшмоқда» деган саралашлар остида КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Л. И. Брежневнинг ақуловчи нутқини тў-ла равнишда босиб чиқарди. «КПСС XXIV съезди, деб ёзади «Нойес дойчланд» газетаси, КПСС Марказий Комитетининг сийси йўлини ва амалий фаолиятининг ҳамда ҳисобот доклады-да баён этилган тақдирлар билан ҳулосаларини тўла-тўлике маъқуллади.

АНГЛИЯ

Лондон матбуоти КПСС XXIV съезди ишига ҳамон катта эътибор бермоқда. «Таймс», «Морнинг стар», «Дейли телеграф» ва бошқа газеталар бугун съезд ҳақида ахборотлар бо-сиб чиқарди. КПСС Марказий Комитетининг сийси йўли ва амалий фаолиятини съезд ик-кинчи билим маъқуллади, деб ёзади «Таймс» ва «Морнинг стар» газеталари. «КПСС XXIV съезди, — деб ёзади «Таймс» газетасининг Москвадаги мухбири, — Марказий Комитет но-мидан қилган Брежневнинг докладыни бата-мом ва тўла-тўлике маъқуллади.

Рейтер агентлиги СССР Министрлар Со-ветининг Раиси А. Н. Косигинининг съездда қил-ган доклады ҳақидаги хабарини эшиттирди.

АГРЕССОРЛАР ТИНИБ- ТИНЧИМАЕТИРЛАР

ПАРИЖ, 6 апрель. (ТАСС). Франс Пресс агентлиги мухбири хабар беради: Жанубий Вьет-нам кўпирчоқ режимини қўшинал-рининг 300 кишидан иборат са-раланган группаси бутун верто-летларда Лаос территориясида жанговар ҳаракатлар олиб бо-риш учун у ерга ташланди. Ке-йинги етти кун ичда сайгонлик урушқоқлар шу билан Лаосга иккинчи марта ана шундай та-ломуз қилмоқдалар.

Америка ва Сайгон қўшинла-ри Лаос ватанпарвар кучлари-дан шармандаларча мағлубият-га учраган бўлишларига қара-май, улар Лаос халқига қарши кўролли янговарликлар қилиш-ни тўхтатмайтирлар.

КОЛХОЗДА МУЗЕЙ

Янгиқўл районидagi «Ленин-изм» колхози аъзолари» ахши ва ибратли ишга қўл урдилар. Шу ҳўжаликка кўп йиллар бо-байнида раҳбарлик қилган дондор пахтакор, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Абдулла Ортиқов ҳаёт йўлига бағиш-ланган музей ойнашга киришил-ди.

«Меҳнатга-шарафлар» деб номланган колхоз музейи ҳўжа-ликнинг чинакам кўзгусига ай-ланади.

Ҳозир музей биносининг марказий қисми тайёр бўлди. Музей ён-атрофи сўйди ободонлаштириш бўйича ту-зилган бригада бошлиғи Эргаш Тошмуҳомедов. — Шу кунларда бу ерда кўкалданзорлаштириш ишлари қизин давом эттирил-моқда. Топалик ёнбағирларига чим ётқизилди, гулзор барпо этилди. Музей қаршисидagi тепалик ён атрофлари, гранит тошлари билан ўралди.

«Меҳнатга — шарафлар» деб номланган маъқур музей-янги кунлар ичнда ишга туш-рилади.

А. АКБАРОВ.



Тошкентдаги Охунбобоев номли мединна билим юрти яқинда 50 ешга тўлади. Ҳозир юбилейга қизғин ҳозирлик қилимоқда. Спортнинг барча турлари бўйича мусобақалар ўтказилапти. Суратлар-да: (чапдан ўнгга) Иккинчи курс студенти Ева Шойхет шахмат бўйича ўтказилаётган мусобақа пайтида. Етил атлетикдан машқ ўтказилмоқда. Билим юрти терма командасининг ўйинчиси 2-курс студенти Собир Мирҳайдаров машқ пайтида.

Т. Каримов фотолари.